

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ВА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc. 06.01.2018. Tar. 56.01. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛМУРАТОВ БАХТИЁР РЕЖАВАЛИЕВИЧ**

**Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида  
шомонлик эътиқоди**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по  
историческим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**

Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида шомонлик эътиқоди.....5

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**

Шаманство в традиционном образе жизни узбекского народа.....23

**Khalmuratov Bakhtiyor Rejavalievich**

The shamanistic belief in the traditional life style of Uzbek people.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати.....47**

**Список опубликованных работ**

**List of published works**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ВА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc. 06.01.2018. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛМУРАТОВ БАХТИЁР РЕЖАВАЛИЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ХАЛҚИ АНЪАНАВИЙ ТУРМУШ ТАРЗИДА  
ШОМОНЛИК ЭЪТИҚОДИ**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2017.1. (PhD) / Тағб рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аширов Адҳамжон Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Улуғбек Сайданович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Салимов Турсун Усарович**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc.06.01.2018. Тағ.56.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. ЎзР ФА Тарих институти 2-қават. Мажлис залли). Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (+99871) 233-39-91) [www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz): ЎзР ФА Тарих институти.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси билан).

**А. С. Сағдуллаев,**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

**М. Х. Пайзиева,**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

**С. С. Агзамходжаев,**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари этномаданий хусусиятлар ва миллий маросимларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш масаласини ниҳоятда долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўймоқда. Айниқса, XX аср сўнгги чорагидан бошлаб жаҳонда миллий ва диний маросимларни халқ маданиятининг феномени тарзида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур йўналишда бажарилган илмий тадқиқотлар фандаги муҳим мавзулардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-гуманитар фанлар ривожини учун кенг имкониятлар яратилди. Аждодларимизнинг маънавий дунёқарашларидаги турли ғоялар ва диний бағрикенглик билан боғлиқ қарашларни тадқиқ этишга кенг йўл очилди. Бу борада, айниқса “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”<sup>1</sup>да белгиланган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган тамойиллар муҳим роль ўйнайди. Шу билан бир қаторда диний ва миллий анъаналаримизни илмий асосда ўрганиш, уларнинг ижтимоий-тарихий моҳиятини тадқиқ этиш каби муаммолар ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Қадим даврлардан бошлаб Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда турли динлар, эътиқодлар ва культлар кенг тарқалган бўлиб, мазкур диний дунёқарашлар тизимида шомонлик ўзига хос ўринга эга бўлган. Шу боис ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзидаги шомонликка оид қарашлар ва маросимларни тадқиқ қилиш асосида руҳий олам, коинот, табиат ва инсон тўғрисидаги қадимий тасаввурларга оид янги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, мавзуни этнологик материаллар асосида ўрганиш ўзбек халқининг этномаданияти борасидаги билимларни бойитишга хизмат қилади. Бу эса ушбу мавзуни тадқиқ қилиш заруратини белгилайди.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 ноябрдаги “2010–2020 йилларда номоддий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”<sup>2</sup>ги 222-сонли, 2011 йил 23 майдаги “Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”<sup>3</sup>ги 47-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasида келтирилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Қаранг: <http://strategy.regulation.gov.uz>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 сентябрдаги “2010–2020 йилларда номоддий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сонли Қарори. Қаранг: [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 майдаги “Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 47-сонли Қарори. Қаранг: [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши” дастурининг устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шомонлик эътиқоди ва у билан боғлиқ маросимлар муаммоси дунё миқёсидаги долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида ушбу муаммо дунё халқлари<sup>4</sup>, шу жумладан, Марказий Осиёдаги қардош халқлар – қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ ва ўзбеклар мисолида тарихий-этнологик аспектда ўрганилган ва бу соҳада маълум натижаларга эришилган<sup>5</sup> (тадқиқотнинг айрим жиҳатларини қамраб олган илмий изланишлар диссертация биринчи бобининг 1–параграфида алоҳида таҳлил қилинган).

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Мазкур тадқиқот Наманган давлат университетининг илмий тадқиқот режалари асосида амалга оширилган. Тадқиқот якунида эришилган илмий натижалар ва хулосалар Давлат илмий техник дастурлари асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида амалга оширилган Ф1-ХТ-01–17138 – “Ўзбекистоннинг замонавий қишлоғи:

---

<sup>4</sup> Қаранг: Малов С. Е. Шаманский камень “яда” у тюрков Западного Китая // Советская этнография. – 1947. – № 1. – С. 51–60; Boyle. J. A. Turkish and Mongol shamanism in the Middle Ages // Folklore. – London, 1972. – Vol. 83. – P. 311–330; Ионова Ю. В. Шаманство в Корею (XIX – начале XX в) / Символика культов и ритуалов народов зарубежной Азии. – М., 1980. – С. 160–183; Takada Yamada. Anthropology of animism and shamanism. – Budapest, 1999; Базаров Б. Таинства и практика шаманизма. Человек во времени и пространстве. – Улан-Удэ, 2009. – 208 с.; Anna-Marie Vuilleminot. La yourte et la mesure du monde. Avec les nomades au Kazakhstan. – Louvain-la-Neuve, 2009. – 215 с.; Болхосев С. Б. Избранничество: феномен шаманской наследственности урда предбайкальских бурят. – Иркутск, 2016. – 247с.; Воронина В. Ю. Исцеление в традиции базового шаманизма // Медицинская антропология и биоэтика. – М., 2013; Кинг Серж Кахили. Городской шаман. – Иркутск, 2013. – 320 с.; Кристин М. Шаманский дар. – Улан-Удэ, 2013. – 240 с.; Зомонов М. Д., Зомонов Ж. М. Тезаурус бурятского шаманизма. – Иркутск, 2014. – 174 с.

<sup>5</sup> Қаранг: Басилов В. Н. Некоторые материалы по казахскому шаманству // ПИИЭ. – 1976. – М.: Наука, 1978. – С. 158–166; Молдобаев И. Б. Кыргызский шаман (бакшы) в 20-е годы XX века // Советский этнографический сборник. – М.: Наука, 2001. – №1. – С. 232–237; Басилов В. Н. Пережитки шаманство у туркмен-човдуров / Домусульманские верования и обряды народов Средней Азии (Кейинги ўринларда ДВОНСА). – М.: Наука, 1975. – С. 123–137; Ўша муаллиф: Пережитки шаманство у туркмен-гёкленов / Древние обряды верования и культы народов Средней Азии (Кейинги ўринларда ДВОНСА). – М.: Наука, 1986. – С. 94–110; Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зеравшана / Домусульманские верования и обряды в Средней Азии (Кейинги ўринларда ДВОНСА). – М.: Наука, 1975. – С. 94–122; Есбергенов Х. Е. Об изучении религиозных верований каракалпаков / Конкретные исследования современных религиозных верований. – М.: Наука, 1967. – С. 202–208; Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 23–72; Басилов В. Н. Новые сведения о шаманском бубне узбеков // Полевые исследования Института этнографии. 1975. – М., 1977. – С. 117–128; Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 275 б.; Караматов Х. Древние культы Центральной Азии. – Самарканд–Ташкент, 2017. – 184 (+16) с.

ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва трансформацияларнинг этносоциологик таҳлили“ (2012–2014) ва ФА-А1-ГО25 –“Замонавий ўзбеклар: тарихий-этнологик тадқиқот” (2015–2017) номли амалий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тарихий-этнографик материаллар асосида Фарғона водийси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзидаги шомонлик эътиқодини этнологик йўналишда ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тадқиқот олдида қўйилган муаммонинг тарихшунослигини ўрганиш орқали қадимий диний эътиқодларни тарихий-этнологик йўналишда эришилган натижалар ва назарий асосларни баҳолаш;

ўзбек халқининг демонологик қарашларини тизимлаштириш, Фарғона водийси ўзбекларининг кундалик ва маросимий ҳаётида шомонликнинг сақланиб қолган маросим атрибутлари (сув, кул, кўзгу, пичоқ, тасбеҳ ва муқаддас китоблар), локал кўринишлари (одамларни даволаш, “кўчирма”, амаллар...)ни этнографик материаллар асосида таҳлил қилиш;

халқ табобати ва шомонларнинг даволаш анъаналари тарихий генезисини ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлик механизмини аниқлаштириш;

шомон-бахшилар ва уларнинг даволаш анъаналаридаги ўзгаришлар, уларга таъсир этувчи омиллар (ахборот алмашинуви, техника ютуқлари ва ҳ.к.)ни этнографик материаллар асосида аниқлаштириш ва бу борада тегишли илмий хулосалар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона водийси ҳудудида яшовчи ўзбекларнинг анъанавий маросимий ҳаёти ва диний дунёқараш тизими белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Фарғона водийси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзидаги шомонлик билан боғлиқ қарашлар ва маросимлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифий ва қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, семантик-семиотик назария, кузатиш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“умумийлик” ва “ўзига хослик” қиёсий категориялар контекстида шомонлик билан боғлиқ эътиқодий тасаввурларнинг пайдо бўлиш тарихи, шаклланиши, эволюциясига оид қарашларнинг илмий-методологик асослари очиб берилган;

шомонлик эътиқоди ўзбек халқи кундалик ва маросимий ҳаётида тарихий-маданий кўриниш тарзда намоён бўлиши этнографик материаллар асосида аниқланган;

Фарғона водийсида яшовчи турли этнослар анъанавий турмуш тарзидаги шомонлик эътиқоди билан боғлиқ маданий хусусиятлар генетик-компаратив (қиёсий) таҳлили асосида ушбу эътиқод билан боғлиқ маросимлар ўтказилиш муддати, экстаз ҳолати ва маросим атрибутларига кўра фарқланиши илмий асослаб берилган;

шомонлик эътиқодининг ижтимоий кўриниш тарзида маҳаллий этнослар ҳаётига синкретлашуви категориал муносабатда барқарор табиатга эгаллиги ва ўзбек халқининг кундалик ҳамда маросимий ҳаётини маълум қисмини ташкил этиши этнографик материаллар асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзидаги диний тасаввурлар жаҳон халқлари, хусусан, Марказий Осиё этносларининг шомонлик эътиқоди билан боғлиқ маросимларини функционал-структуравий тузилиши ва халқ анъанавий маданиятида тутган ўрнига кўра фарқланган;

тарихий тараққиёт ва асрлар давомидаги этномаданий алоқалар натижасида маҳаллий аҳоли анъанавий турмуш тарзидаги шомонлик эътиқодига дахлдор маросимлар трансформацияга учраганлиги аниқланган;

жаҳон динлари тарихида миллий ва диний анъаналарнинг уйғунлашуви механизми шомонлик эътиқодига оид муайян мисоллар орқали исботлаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда замонавий тарих ва этнология фанларида эътироф этилган турли-туман ёндашувларга таянилганлиги, тарихий адабиётлар ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг илмий изланишларидан самарали фойдаланилганлиги илмий натижаларнинг ишончлилиги сифатида баҳоланади. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро илмий, илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий нашрларда чоп этилгани билан ҳам ўз исботини топди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шомонлик эътиқодини ўз даври мафкуравий тараққиёт босқичи тарихий-маданий жараёнларнинг маънавий инъикоси сифатида назарий жиҳатдан умумлаштирилганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, мазкур тадқиқот Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий диний эътиқодларнинг тарихий асосларини ўрганишда ҳамда дин тарихини тарихий-этнографик материаллар асосида тадқиқ қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўзбек халқи этномаданиятини ўрганишга бағишланган илмий изланишларни амалга ошириш, Олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг талабалари учун “Этнология”, “Диншунослик”, “Фольклоршунослик” ва “Маданиятшунослик” фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалар яратиш ҳамда ўзбек халқи этнографиясига оид махсус сайтлар яратишда фойдаланиш мумкинлигидадир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мавзу юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Фарғона водийси этносларининг анъанавий эътиқодий қарашлари, минтақада халқ табобати билан боғлиқ маросимларни ўтказилиш тартиби, муддати ва маросимий даволаш атрибутлари билан боғлиқ хулосалардан Республика “Шарқ табобати” маркази билан ҳамкорликда Наманган вилоятидаги табиблар фаолиятига доир йўриқнома ва дастурлар тайёрлашда



фойдаланилган (Республика “Шарқ табобати” марказининг 2017 йил 4 декабрдаги №40-сонли далолатномаси). Бу халқ табобати ва миллий анъаналарни ўзаро уйғунлашган ҳолда ўрганиш, халқ табобатининг анъанавий кўринишлари ҳамда замонавий ҳолатига оид илмий нашрлар тайёрлашда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади;

Республика “Маънавият ва маърифат” маркази билан ҳамкорликда мазкур марказни 2017 йилги режасининг “Буюк алломаларимиз қолдирган илмий мерос асосида маънавий кадриятлар, урф-одатларимиз ҳамда миллий тарбиямиз анъаналарини кенг тарғиб қилиш” банди, II боби 2-банди “Бой тарихий меросимизнинг дунё миқёсидаги тарғиботини кучайтириш, самарадорлигини ошириш мақсадида тарихий обидаларимизни таништирувчи маълумотларни ўрганиш ва такомиллаштириш”, 7-банди “Тарих ва ҳозирги замон”, “Анъана – кадрият – урф-одат” лойиҳалари ижросини таъминлашда фойдаланилди (Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг 2017 йил 22 декабрдаги 02/09-1301 рақамли далолатномаси). Бу мамлакатимиз аҳолиси, хусусан, ёшлар кундалик ҳаёт тарзида миллийлик ва замонавийлик уйғунлашуви жараёнларини илмий асосда ўрганишда, уларнинг дунёқараши ва тафаккурида инсон, жамият, тарихий анъана, маросимларни замонавий кўринишлари ҳақидаги фалсафий қарашларни шакллантиришда амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари жами 24 та нашр қилинган ишларда, жумладан, ОАК рўйхатидан ўрин олган Республика ва хориж журналларида чоп этилган 10 та мақола, 14 та илмий тезис ҳамда мақолаларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб ва хулоса қисмларидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 146 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Шомонлик эътиқоди муаммоси тарихшунослиги ва ўрганиш методологияси”** деб номланган биринчи бобида шомонлик эътиқодига доир энг қадимги тарихий ёзма манбалар, мазкур диний эътиқоднинг тадқиқ этиш методологиясига доир маълумотлар акс этган.

Диссертациянинг биринчи боби мавзунинг ўрганилиши масаласига бағишланган бўлиб, унда мавзу режаси ва тадқиқот учун зарурий

методологик асослардан келиб чиққан ҳолда шомонлик эътиқодига оид урф-одат ва маросимлар муаммосига тааллуқли адабиётларни уч гуруҳга бўлиб, батафсил илмий таҳлил қилинди:

**“Мавзунинг тарихшунослиги”** деб номланган биринчи параграфда шомонлик эътиқоди тарихига оид энг қадимги ёзма ва моддий манбалар, уларнинг эволюцияси, ўрта аср шомончилигига оид маълумотлар, XIX аср охири – XX асрнинг 90-йилларигача бўлган даврдаги адабиётлар; мустақиллик йилларида чоп этилган адабиётлар; шомонлик муаммоси ёритилган хорижий тиллардаги адабиётларда муаммонинг ёритилиш жараёни таҳлил қилинган.

Қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” номли фундаментал асарида ислом дини қарор топгунгача бўлган даврда хоразмликлар ва сўғдийлар орасида мавжуд турли диний эътиқод шакллари, маросимлари, уларнинг ҳудудий жиҳатлари қатори шомонликка оид пари культининг кўринишлари ва вазифалари ҳақида кизиқарли маълумотлар берилган<sup>6</sup>.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асарида ўғузларнинг шомонликка оид “қўвуч-қўвуч” деган одат ҳақида маълумот берилган бўлса<sup>7</sup>, Юсуф Хос Ҳожиб эса “қом”ларнинг вазифалари орасида уларнинг даволаш фаолиятига алоҳида эътибор қаратган<sup>8</sup>.

XI–XII асрларда яшаган араб тарихчилари Гардизий ва Марвазий ҳам Марказий Осиё халқлари орасида мавжуд бўлган ва исломдан кейинги ўринда турган маҳаллий диний эътиқодларга алоҳида эътибор қаратган бўлсалар<sup>9</sup>, XIII аср охири – XIV аср бошларида ёзилган “Ўғузнома”да эса қадимги турк ва ўғузлар орасида шомон-бахшиларнинг фаолияти, уларнинг таъсир доирасининг кенглиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд<sup>10</sup>.

Шомонлик эътиқоди, урф-одат ва маросимлари муаммоси акс эттирилган XIX аср охири – XX аср бошларига доир адабиётлар қадимий диний тасаввурлар борасидаги дастлабки илмий изланишлар XIX аср охири – XX аср бошларида ўлкашунос, тарихчи, этнограф тадқиқотчилар ва мустамлака идораларининг вакиллари томонидан амалга оширилган бўлиб, улар ўз асарларида бу масала ҳақида йўл-йўлакай маълумот берганлар.

Бу даврда фаолият юритган В. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг “Фарғона маҳаллий ўтроқ аҳолиси аёллари турмушидан очерклар” номли асарида XIX аср охирида Фарғона водийсида аёллар томонидан ўтказилган турли маросимлар жараёнида шомонликка оид зикр тушиш, бахшичилик, фолбинлик сингари ҳолатлар асосий ўринлардан бирини эгаллаганлиги қайд

<sup>6</sup> Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1968. Т. 1. – 486 б.

<sup>7</sup> Бу одат жин тегиш белгиси бўлиб, бунда беморнинг юзига совуқ сув сепилиб, “қўвуч-қўвуч” дейилган. Сўнгра “уд” деган хушбўй ўсимлик тутатилган. Қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит-турк (Туркий сўзлар девони). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 379.

<sup>8</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Юлдузча, 1971. – Б. 210.

<sup>9</sup> Marvazi. Sharaf al-zaman Tahir Marvazi on China the turks and India / Trans. V. Minorskiy. – London, 1942. – P. 30.

<sup>10</sup> Қаранг: Щербак. А. М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. – М.: Наука, 1959. – С. 56.

этилган<sup>11</sup> бўлса, Л. Симонова (Хохрякова) 1894–1895 йилларда Самарқандга қилган сафари чоғида ушбу ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳоли орасидаги шомон-бахшиларнинг даволаш жараёнлари, ташқи кўриниши, ёрдамчи руҳлари, фол очиш усуллари тўғрисидаги қизиқарли далилларни келтирган<sup>12</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларида амалга оширилган илмий тадқиқотлар диссертация мавзуси доирасида эълон қилинган дастлабки илмий ишлар эканлиги ва муаллифларнинг шахсий кузатувлари асосида ёзилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бироқ, ушбу қайдномалар кўпинча мутахассислар томонидан йиғилмаганлиги туфайли, анъанавий турмуш тарзининг ўзига хослиги ва маҳаллий хусусиятлари борасида батафсил тасаввур уйғота олмайдиган тавсифий характердаги ёки узук-юлук маълумотлар мажмуидан иборат бўлиб қолган.

XX асрнинг 20–30 йилларида ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзидаги шомонлик эътиқоди муаммоси М. С. Андреев тадқиқотларида ҳам акс этган бўлиб, унда асосий эътибор шомон руҳлари таркибига кирувчи чилтонларга оид маҳаллий аҳолининг тасаввурлари, уларнинг яшаш ва йиғилиб турувчи жойлари ҳақидаги маълумотлар акс этган<sup>13</sup>.

XX асрнинг 50–60- йилларидан эътиборан жамиятда юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли шу даврда рус ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан бир қатор илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, этнографлар: О. Сухарева, Г. Снесарев, К. Тойжонов ва Ҳ. Исмоиловлар томонидан бажарилган тадқиқотлар<sup>14</sup> диққатга сазовор. Юқорида номлари зикр этилган муаллифлар асарларида, гарчи шомонлик ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган бўлса-да, лекин Фарғона водийси ўзбекларининг шомонлик эътиқоди ва маросимлари масаласи эътибордан четда қолдирилган.

Академик К. Ш. Шониёзовнинг бир қатор илмий мақола ва монографияларида шомонлик ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, уларда Фарғона водийси ўзбек-қипчоқлари анъанавий турмуш тарзидаги диний эътиқодлар, бахшилар, уларнинг маросим атрибутлари, “кўчирма” маросими ҳақида маълумотлар қайд этилган<sup>15</sup>.

Шомонлик тўғрисидаги совет даври адабиётларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда асосий эътибор ушбу диний эътиқоднинг этимологияси

---

<sup>11</sup> Наливкин В. В., Наливкина В. М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Университет, 1886. – 203 с.

<sup>12</sup> Симонова (Хохрякова) Л. Чародейство, гадание и лечение сартянок в Самарканде // Справочная книжка Самаркандской области на 1894 год. – Самарканд, 1894. Вып. 2. – С. 14.

<sup>13</sup> Андреев М. С. Чилтаны в среднеазиатских верованиях. – Ташкент, 1927. – С. 336.

<sup>14</sup> Қаранг: Сухарева О. А. О некоторых элементах суфизма, генетических связанных с шаманством // Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии. – М.: Наука, 1959. – С. 128–133; Ўша муаллиф: Ислам в Узбекистане. – Ташкент, 1960. – 85 с.; Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – 336 с.; Тайжанов К., Исмаилов Х. Особенности доисламских верований у узбеков-карамуртов / ДОВКНСА. – М.: Наука, 1986. – С. 110–138; Мирхасилов С. М. К изучения реликтов доисламских верований у узбеков в дореволюционном прошлом / Этнографические изучение быта и культуры узбеков. – Ташкент: Фан, 1972. – С. 160–162.

<sup>15</sup> Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, 1964. – С. 157–164; Ўша муаллиф: К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 326–331.

ва маҳаллий аҳоли турмуш тарзидаги оддий кўринишларига қаратилган. Шомонлик аста-секин турли-туман номлар билан аталган бўлса-да, аҳоли орасида асосан, сеҳр-жоду кўринишида намоён бўлган.

Шомонлик эътиқоди муаммоси мустақиллик даври тадқиқотчилари томонидан ҳам ўрганилган. Жумладан, М. Сатторнинг илмий-оммабоп тадқиқотида шомонликка оид бўлган “кинна солиш” удуми тўғрисидаги халқ қарашлари ва урф-одатлари ёритиб берилган<sup>16</sup>.

Фольклоршунос А. Мусақулов тадқиқотида шомонликнинг генезиси, шомонларнинг фол очиш жараёни, маросим атрибутлари, ушбу диний эътиқодда анимистик тасаввурларнинг акс этиши, шомонлар типи ва вазифалари ёритиб берилган бўлса<sup>17</sup>, У. С. Абдуллаевнинг илмий изланишларида Фарғона водийси ҳудудида қадимдан яшаб келган турли туркий қабилалар турмуш тарзида кенг ўрин эгаллаган шомонлик эътиқоди кўринишлари, этномаданий жараёнлар натижасида унинг трансформациялашуви, шомон фаолиятининг водий аҳолиси урф-одатларида қай даражада намоён бўлиши хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган<sup>18</sup>.

Этнолог А. А. Ашировнинг бир қатор тадқиқотлари қадимий диний эътиқодлар генезиси ва уларнинг маҳаллий урф-одатлардаги талқинига бағишланган. Муаллиф илмий тадқиқотларида шомонлик муаммосини Фарғона водийси аҳолиси қарашлари мисолида ёритган<sup>19</sup>.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотларда шомонлик эътиқоди муаммосини ёритиш, асосан, этнограф, фольклоршунос ва филолог олимларнинг вазифасига айланган. Бироқ, шомонлик эътиқоди муаммосини ўрганиш фақатгина ижтимоий фан вакилларининг вазифаси бўлиб қолмаслиги керак. Чунки, шомонликнинг асл моҳиятини очиб беришда бошқа фан вакиллари, жумладан, биолог ва психолог олимлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Шомонлик эътиқоди билан боғлиқ маросимлар муаммоси хорижий мамлакатларда ҳам кенг кўламда ўрганилган. Мазкур мавзуни ўрганган чет эл тадқиқотчилари фаолиятига эътибор берадиган бўлинса, биринчи навбатда рус тадқиқотчиларидан В. Харитонов, Д. Функ, О. Горшунова, П. Берснев, В. Воронина, В. Михайловский, В. Трощанский, Д. Банзаров; хорижлик олимлардан А. Инон, П. Гаррон, К. Кахили, О. Диксон, А. Бахрах, В. Серкин қабиларни мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий изланишлар<sup>20</sup> шомонлик муаммосини

<sup>16</sup> Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Фан, 1993. – 240 б.

<sup>17</sup> Мусақулов А. Қуш бўлиб қочар бўлсанг // Мулоқот. – 1995. – №4. – Б. 43–45.

<sup>18</sup> Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 215 б.

<sup>19</sup> Аширов А. А. Рухлар танлаган одамлар // Фан ва турмуш. – 1999. – №3 – Б. 10–11; Ўша муаллиф: Туркий халқлар дунёқаршида шомонлик эътиқоди / Зарафшон воҳаси ва унинг тарихдаги ўрни. – Самарқанд, 2001. – Б. 109–111; Ўша муаллиф: Фарғона водийси ўзбекларининг турмуш тарзида шомонлик эътиқоди излари / Фольклоршунослик. – Навоий, 2003. – Б. 33–48; Ўша муаллиф: Следы шаманских верований в жизненном укладе узбеков Ферганской долины // Вестник Каракалпакского отделения АН РУЗ. – Нукус, 2004. – №3–4. – С. 31–37; Ўша муаллиф: Ўзбек халқининг қадимий диний эътиқод ва маросимлари... – Б. 31–53.

<sup>20</sup> Харитонов В. И. Шаманы и шаманисты: некоторые теоретические аспекты изучения шаманизма и целых традиционных верований и практик // Этнографические обозрение. – 2004. – №2. – С. 99–119; Ўша муаллиф ва Функ Д. А. Шаманство или шаманизм? / “Избранники духов”–“Избравшие духов”. Традиционное

ўрганиш ва таҳлил қилиш борасида дунё миқёсидаги дастлабки ишлар бўлиб, улар ушбу мавзунини генетик жиҳатдан ўрганиш ва қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишда амалий аҳамият касб этади.

Этнограф В. Басиловнинг фундаментал тадқиқотида Марказий Осиё халқлари орасидаги шомонлик этикодининг келиб чиқиши, анъаналари ва маросимларини мажмуавий тарзда таҳлил қилинган<sup>21</sup>. Олим айрим ўринларда водий шомонлари ва уларнинг ўзига хос расм-русумлари ҳамда маросимлари хусусида ҳам қимматли маълумотлар келтирган.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, мазкур даврда бажарилган тадқиқотлар бир-биридан турли хронологик даврларни ёритгани билан бирга ўзининг манбавий бойлиги, ишнинг ҳажми, тадқиқ этилаётган ҳудудларнинг хилма-хиллиги билан ҳам фарқланади.

Диссертациянинг **“Шомонлик генезиси, эволюцияси ва уни тадқиқ қилиш методологияси”** деб номланган иккинчи параграфида ушбу диний этикодининг генезиси, ривожланиш жараёнлари ва тадқиқ этиш методологияси масалалари ёритилган.

Барча илк диний тасаввурлар сингари шомонлик ҳам қадимдан Марказий Осиё халқлари ҳаётида кенг ўрин эгаллаб келган<sup>22</sup>. Ибтидоий одамлар ёрдамчи руҳлар, яъни *парихонлар, азайимхонлар, момолар* мавжудлигига ишонганлар, шунингдек, *дев* ва *жинлардан* қаттиқ қўрққанлар. Одамлар руҳлар шомонларнинг хизматида бўлади, бахшилар эса инсонлар ўртасида алоқа қилиш қудратига эга, деб ишонганлар.

Шомонлик қачон пайдо бўлган, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий ҳол. Баъзи археологлар топилмаларга таянган ҳолда у тош асрида ҳам мавжуд бўлган, деб тахмин қиладилар<sup>23</sup>. Чунки, шомонларнинг руҳларга

---

шаманство и неошаманизм. Памяти В. Н. Басилова (1937–1998). – М., 1999. – С. 41–71; Горшунова О. В. Узбекская женщина. Социальный статус, семья, религия (по материалам Ферганской долины). – М.: Наука, 2006. – С. 261–304; Ўша муаллиф: Тяжкое бремя шаманского дара: судьба современной ферганской бахши / Шаманский Дар. Этнологические исследования по шаманству и иным традиционным верованиям и практикам. – Москва: ИЭА РАН, 2000. Т.6. – С. 191–204; Ўша муаллиф: Образы духов-покровителей среднеазиатских шаманов (бахши): К вопросу о психоментальном аспекте в этнографическом исследовании / Материалы международного междисциплинарного научно-практического симпозиума. Экология и традиционное религиозно-магическое знание. Этнологические исследования по шаманству и иным традиционным верованиям и практикам. – Москва: ИЭА РАН, 2001. Том 7. Часть 2. – С. 22–33; Boyle A. Turkish and Mongol shamanism in the Middle Ages // Folklore. – London, 1972. – Vol. 83; Берснев П. В. Священный космос шаманов. Архаическое сознание, мировоззрение шаманизма, традиционное врачевание и растения-учителя. – СПб., 2012. – 368 с.; Воронина В. Ю. Исцеление в традиции базового шаманизма // «Медицинская антропология и биоэтика». – М.: Институт этнологии и антропологии им. Н. Н. Миклухо-Маклая РАН, 2013; – 203 с.; Михайловский В. М. Сравнительно-этнографические очерки. – М.: Наука, 2015. – 311 с.; Троцанский В. Ф. Эволюция черной веры (шаманство) у якутов. – М., 2015. – 215; Банзаров Д. Черная вера или шаманство у монголов. – М.: Наука, 2014. – 298 с.; Inan A. Tarixte ve bugun shamanism. Agastirmalar. – Ankara, 2000. – 173 p.; Garrone P. Chamanisme et islam en asie centrale (Марказий Осиёда шомонлик ва ислом). – Paris, 2000. – 279 p.; Кинг Серж Кахили. Городской шаман. – Иркутск, 2013. – 320 с.; Диксон О. Шаманы России. – М.: Наука, 2015; Бахрах А. Тайны шамана. – М., 2016. – 252 с.; Серкин В. Звезды шамана. Философия шамана. – М.: АСТ, 2017.

<sup>21</sup> Басилов В. Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1992. – 325 с.

<sup>22</sup> Исмоилов Х. Шаманлик // Фан ва турмуш. – 1988. – №1. – Б. 8; Агаджанов С.Г. Огузские племена Средней Азии IX–XII вв / Страны и народы Востока. – М., 1971. Вып. 10. – С. 181–183; Шаниязов К. Ш. К этнической истории ... – С. 326–330; Усмон Турон. Туркий халклар мафқураси. – Тошкент, 1993. – Б. 49–56.

<sup>23</sup> Басилов В. Н. Избранники духов ... – С. 9.

ишонишлари худди шу даврдан бошланган, деган фикр мавжуд. Бундай ҳолат ибтидоий одамлар турмуш тарзида ҳам ўз аксини топган. Масалан, ибтидоий одамлар бир вақтда одамнинг кўзига кўринмайдиган, унга итоат қилмайдиган қандайдир алоҳида кучлар мавжудлигини тасаввур қилганлар.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш керакки, шомонликнинг бошқа қадимий диний тасаввурлар: тотемизм, анимизм ва фетишизм каби қадимий тарихга эга. Шомонлик бошқа диний эътиқодлардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқланган. Масалан, одамлар тотемизмда ҳайвон ва ўсимликларга, анимизмда руҳларга, фетишизмда эса жонсиз буюмларга топинган бўлсалар, шомонликда эса одамга – шомонга, яъни ўша даврнинг ўзига хос руҳонийсига сиғинганлар. Бу ҳолатлар диний тасаввурлар эволюциясида жуда катта янгилик бўлган. Кейинчалик диний тасаввурларнинг мазмун-моҳияти ўзгариб, энди одамлар худога, пайғамбарларга, турли-туман авлиёларга сиғина бошлаган.

Диссертациянинг **“Шомон касаллиги ва шомонликка оид маросимлар”** деб номланган иккинчи бобида Фарғона водийси ўзбекларининг шомонлик эътиқодига оид қарашлари, шомон руҳлари, шахси, экстаз жараёни, урф-одат ва маросимлари тадқиқ қилинган.

Ушбу бобнинг **“Шомон руҳлари: чилтонлар, турли тоифадаги ёрдамчи руҳлар”** деб номланган биринчи параграфида шомон ўз фаолияти жараёнида руҳларга алоҳида эътибор қаратганлиги, руҳларга ишониш шомонликнинг асосий хусусияти ҳисобланаши, ўзбекларда қадимдан руҳларга дуалистик (икки ёқлама қараш) муносабатда бўлиш натижаси ҳамда одамга бўлган муносабатига қараб икки тоифага ажратилганлиги баён қилинган. Биринчи тоифага ҳомий ёки яхши руҳлар: *парилар, чилтонлар, момолар, онахонлар* ва *отахонлар, фаришталар*; иккинчисига эса ёмон руҳлар: *девлар, алвастилар, жинлар, “суқ”* ва *“зиён”* кабилар кирган.

Фарғона водийси ўзбеклари орасида энг кенг тарқалган яхши ёки ҳомий руҳлардан бири “пари” тимсолидир. Водий аҳолиси париларни асли оловдан яратилган, деб билганлари учун кулни муқаддас ҳисоблайдилар. Кул билан ўйнашган одамнинг оғзи қийшайиши, кулга чиқинди қўшиб бўлмаслиги, агар шундай қилинса, яхшиликка олиб келмаслиги, кулга сийган боланинг кўзи оғриши каби ҳолатларда кулранг парининг қўли бор, деган тушунчалар ҳозирга қадар сақланиб келмоқда<sup>24</sup>.

Ҳомий руҳларидан яна бири *чилтонлар* ҳисобланиб, улар этнографик ва диний адабиётларда ҳамда мақолаларда турлича талқин қилинади<sup>25</sup>. Одатда, *чилтонлар* дейилганда, қирқта ғайритабиий кучга эга бўлган афсонавий, бир-биридан сира ажралмайдиган руҳлар тушунилади. *Чилтон* атамаси форс-тожик тилидаги *“чиҳилтон”* сўзидан олинган бўлиб, “қирқта одам” деган

<sup>24</sup> Дала ёзувлари. Наманган вилояти Учкўрғон тумани Чек қишлоғи. 2010 йил.

<sup>25</sup> Қаранг: Андреев М. С. Чилтаны в среднеазиатских верованиях... – С. 334–338; Снесарев Г. П. Реликты... – С. 23–72; Турдимов Ш. Қирқ чилтон пирлар бор // Мактабгача тарбия. – 1992. – № 5–6. – Б. 22–23; Ислон. Энциклопедия. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. – Б. 263; Ўзбек тилининг изохли луғати. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. Т.4. – Б. 485; Басилов В. Н. Шаманство у народов... – С. 246–265.

маънони билдиради ва бу атама ҳозирги кунга қадар Марказий Осиё халқларининг мифологик қарашларида сақланиб келмоқда.

Шомон руҳларидан яна бири “момолар” деб номланади. Халқона қарашларга кўра, “момо” образи водийда ҳам ҳомиладор аёлларни зиён-заҳматдан ҳимоя қилувчи ўзига хос ҳомий руҳ сифатида тасаввур қилинган. “Момолар” ижобий кўринишга эга бўлиб, оқ либос кийган аёл сифатида тасвирланган. Доя-аёллар момо руҳи шарафига шам ёқиб, ҳомиладор аёлга кўмак беришини сўраб, уларни чорлаганлар.

Фарғона водийси ўзбекларида қадимдан руҳларнинг икки тоифаси ҳам инсон ҳаётига, жумладан, унинг оилавий-маиший турмушига муайян бир ҳолатда аралашшига оид ишонч мавжуд бўлган. Шу сабабдан ҳам маҳаллий аҳоли ёмон руҳлар етказадиган зиённи яхши ёки ҳомий руҳлар воситасида бартараф этишга ҳаракат қилганлар.

Аёл кишининг бепуштлиги ёки ҳомиласидан ажралиб қолиши, турлитуман бахтсиз ҳодисаларнинг бош сабаби – ёвуз руҳларнинг тажовузидир, деган тушунча маҳаллий халқ орасида ханузгача сақланиб қолган. Мана шундай ёвуз руҳлардан бири “алвасти”дир. Фарғона водийсида алвастилар одатда, тегирмонга сув тушадиган нов тепасида, катта ва қадимий дарахтлар тагида ёки ариқлар бўйида яшайди, деган халқона тасаввурлар мавжуд. Шу сабабга кўра, ёши улуғ одамлар кечки пайт тегирмон атрофида ёш болаларнинг ўйнашини тақиқлайдилар. Шунингдек, водийда одамнинг уйқусида босинқираши алвасти билан боғлиқ деган қарашлар ҳам сақланиб қолган. Бундай пайтда алвастилар ухлаб ётган одамга зиён келтириши мумкин, деган тасаввурлар ҳозирги кунда ҳам мавжуд<sup>26</sup>.

Фарғона водийси ўзбекларининг дунёқарашида кенг тарқалган ёвуз руҳлардан яна бири – “*жин (ажина)*”дир. Марказий Осиё халқлари мифологияси ва диний тасаввурларида жинлар одамлар кўзига кўринишлари, унга яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилиши мумкинлиги акс этган. Жумладан, Андижон вилояти Избоскан тумани Янгиқишлоқ қишлоғида яшовчи Мавлуда бахшининг таъкидлашича, одамлар жинлар билан учрашиши оқибатида уларнинг оғзи қийшайиб қолиши ёки оёқ-қўли шол бўлиб, бирор дарадга чалиниши мумкин<sup>27</sup>.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, руҳлар билан боғлиқ қарашлар дунёнинг кўпгина халқлари мифологияси ва шомонлик муаммоси акс этган тадқиқотларда ёритилган. Туркий халқларнинг исломгача бўлган тасаввурларида бир хил, ислом дини кириб келганидан кейин бошқа бир шакллар ва кўринишларда сақланиб келаётган шомон руҳлари водий ўзбеклари урф-одатлари ҳамда анъанавий дунёқарашида ўз аксини топиб келмоқда.

Иккинчи бобнинг кейинги параграфи **“Шомонликнинг асосий маросимий атрибутлари ва локал кўринишлари”** деб номланиб, унда шомонлик маросимларининг асосий атрибутлари ҳисобланган қамчи, доира,

<sup>26</sup> Дала ёзувлари. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Исковот қишлоғи. 2014 йил.

<sup>27</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Избоскан тумани Янгиқишлоқ қишлоғи. 2009 йил.

пичоқ, ойна, соч, хасса, дарахт новдалари ҳақидаги этнографик маълумотлар акс этган.

Фарғона водийси шомонларининг маросимий анжомлари орасида камчи муҳим ўринни эгаллайди<sup>28</sup>. Камчи ёрдамида беморнинг танасига кириб олган турли ёвуз руҳларни уриб, ҳайдаб чиқариш шомонликнинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Масалан, кўқонлик Мунаввар бахши камчи ёрдамида, асосан, кўрқув касаллигига дучор бўлган кишиларни уриб даволайди. Бахшининг даволаш муолажаси уч ҳафта давом этиб, охирида беморнинг танасига етказилган жароҳат дам солинган сув билан ювилади<sup>29</sup>.

Ўзбек, тожик ҳамда уйғур шомонлари даволаш жараёнида дарахт новдаларидан тайёрланган хивчиндан ҳам кенг фойдаланадилар. Бахши хивчиннинг пастки қисмидан ушлаб, дастлаб касалнинг устидан ўнгдан чапга қаратиб, уч марта айлантириб олади. Сўнгра дардга чалинган кишининг боши ва танасининг орқа қисмларига ура бошлайди. Бу ҳаракат касалга зиён етказган ёмон руҳларни қувиш мақсадида бажарилади<sup>30</sup>.

Фарғона водийсида яшовчи шомон-бахшилар даволаш жараёнида олов ва кулдан ҳам фойдаланадилар. Жумладан, Фарғона вилоятининг Данғара, Учкўприк, Бувайда туманларида беморларга кинна солувчи аёллар кулни даволовчи восита сифатида кенг қўллайдилар. Хаста кишини даволашдан олдин косага кул солиниб, орасига туз кўшиб “суқдан ва хасдан ўзи асрасин”, деб беморнинг боши ва тана қисмига теггизиб, уч марта айлантирилади.

Водий шомон-бахшилари беморларни даволашда сувдан ҳам унумли фойдаланадилар. Жумладан, касал киши бирор-бир нарсадан қаттиқ кўрққан бўлса, ҳар чоршанба ва шанба кунлари эрта тонгда унинг юзига уч марта кафтда сув урилади, сўнгра унинг кўкрак қисми ва орқасига уч томчи сув томизилади. Шундагина беморга теккан кўрқув чиқиб кетар экан. Учкўприклик Муқаддас бахшининг фикрича, бу юмушнинг эрта тонгда бажарилишига асосий сабаб, бу пайтда ёвуз руҳларнинг уйқуда бўлишидир<sup>31</sup>.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш керакки, Фарғона водийси шомон-бахшиларининг маросим асбоблари ва ишлатадиган буюмлари бошқа ҳудуд шомонлари воситаларидан айтарли фарқ қилмайди. Маросим анжомларининг аксарияти ҳозирги кунга қадар ишлатилиб келинмоқда. Фақатгина ислом дини ақидалари таъсирида айрим буюмларнинг сиқиб чиқарилиши ва янгиларининг кириб келиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Иккинчи бобнинг учинчи **“Шомон дунёқараши, касаллиги, шахси ва экстаз”** деб номланган параграфида шомон шахси, функцияси ва дунёқараши ўз аксини топган. Шомон-бахшилар руҳий мулоқот воситасида

<sup>28</sup> Камчи ва унинг шомонлик маросимларида тутган ўрни ҳақида батафсилроқ қаранг: Кнорозов Н. Мазар Шамун-Наби // Советская этнография. – 1949. – № 2. – С. 86–98; Абрамзон С. М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л.: Наука, 1971. – 402 с.; Баялиева Т. Л. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. – Фрунзе: Илим, 1972. – С. 131; Басилов В. Н. Шаманство у народов ... – С. 74–75.

<sup>29</sup> Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Кўқон шаҳри. 2017 йил.

<sup>30</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Олтинкўл тумани Гармоб қишлоғи. 2010 йил.

<sup>31</sup> Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Қақир қишлоғи. 2016 йил.



касалликларнинг бошланиш сабабларини аниқлаш, яъни ташхис қўйиш ва ёвуз руҳларни ҳайдаш амалларини бажариш шомонликнинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади.

Этнографик маълумотларнинг далолат беришича, шомоннинг оддий “жин чалган” одамдан жиддий фарқи деярли кўзга ташланмайди. Одамлар ва шомоннинг ўз тасавурида у руҳий касалликка чалинибгина қолмай, ўзининг руҳлари билан мулоқотда бўла олиши, уларни чақириши ва ўз ҳукмини ўтказиши мумкин. Шомонлар эркак ҳам, аёл ҳам бўлиши мумкин. Лекин, Фарғона водийсида шомонлик билан, асосан, аёллар шуғулланиши кузатилди. Чунки, водийда амалга оширилган дала тадқиқотлари мобайнида эркаклар бахшичилик ва фолбинлик билан шуғулланишни ўзларига ор деб билишларини таъкидладилар<sup>32</sup>. Умуман олганда, бу ҳолатни ислом динининг водий аҳолиси орасида таъсири кучлилиги билан изоҳлаш мумкин.

“Шомон касаллиги” ҳар бир бахши фаолиятида турли даражада кечиши мумкин. Ушбу касаллик ақлий заифлашув, руҳий бузилиш каби белгиларни намоён этмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, бувайдалик Абдусаттор бахшининг таъкидлашича, касаллик оёқ-қўлнинг ишламай қолиши, кўриш қобилиятининг пасайиши ёки кулоқнинг эшитмай қолиши сингари ҳолатларда ҳам намоён бўлади<sup>33</sup>. Таъкидлаш жоизки, бу азобланишлар “шомон касаллиги” билан эмас, балки оғир дард, қавм-қариндошлари, фарзандларининг тасодифий ўлими кўринишида ҳам содир бўлиши мумкин.

